**“TASDIQLAYMAN"**
**Sirdaryo nasos stansiyalari va**
**Energetika boshqarmasi boshlig‘i**
**o’rinbosari-komissiya raisi**
**_____________B. Mamatqulov.**

**SNS va Eoshqarmasi si tasarrufidagi tik quduqlardagi TM rusumli transformatorlarini mukammal ta'mirlash ishlariga doir e’longa qo’yilgan 22110012114059-sonli lotga asosan eng yaxshi takliflarni aniqlashda 2022-yil** 5-iyuldagi **davlat xaridlari maxsus axborot portalida elekton shakllangan dastlabki bayonnomaning muhokoma uchun qo’yilgan 2 ish kuni davri natijalari bo‘yicha xarid komissiyasi yig‘ilish**

**BAYONI №13**

**2022 yil 8 iyul** **Guliston shahri**

**KUN TARTIBI:**

2022-yil 1-iyuldagi **22110012114059-sonli** lot bo’yicha yig‘ilish bayoni bo‘yicha davlat xaridlari maxsus axborot portaliga muhokomaga joylashtirish natijalarini ko‘rib chiqish

*(B. MAMATQULOV, X. CHINIBEKOV, A. ESHQUZIYEV, N. ABDULLAYEV, SH. JURAYEV, J. TURSUNOV, G‘. SULEYMANOV)*

1. **SNS va Eoshqarmasi si tasarrufidagi tik quduqlardagi TM rusumli transformatorlarini mukammal ta'mirlash ishlari bo’yicha** g‘olibni aniqlashda 2022 yil 5-IYUL dagi dastlabki elektron bayonnomaga asosan “ELEKTROMADAD ”MCHJ (Guliston shahar, A.Temur ko‘chasi 53 uy, STIR 200321347) xarid qilish tartib-taomillari yakunlariga ko‘ra summasi **161 009 224.67 so‘m qqs siz** va ushbu xizmatlarni bajarish muddati **60 kunga** berilgan taklifi eng maqbul deb topilgan edi.

*Ma’lumot uchun: 2022 yil 27 iyun kuni O‘zbekiston Respublikasi Tovar xom ashyo birjasining maxsus elektron portaliga (etender.uzex.uz) eng yaxshi takliflarni tanlash bo‘yicha hujjatlar* 22110012114059*-son loti bilan e’lon joylashtirilgan.*

Bunda, “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunga asosan davlat buyurtmachisi tomonidan dastlabki electron bayonnoma rasmiylashtirilgan kunda davlat xaridlarining elektron tizimiga muhokama qilish uchun ikki ish kuniga joylashtirilishi kerakliligi belgilangan.

Shuningdek, ikki ish kuni ichida tanlash ishtirokchilari tomonidan tanlash o‘tkazish natijalari bo‘yicha e’tirozlar kelib tushmaganligi hamda muhokama uchun belgilangan muddat tugaganidan keyin kelib tushgan e’tirozlar xarid komissiyasi tomonidan ko‘rib chiqilmasligi ma’lumot uchun qabul qilinsin.

2. Tanlov Komissiya kotibi (J. Tursunov):

Davlat buyurtmachisi tomonidan xarid komissiyasiga taqdim etilgan muhokama natijalari to‘g‘risidagi axborot asosida xarid komissiyasining majlisi bayonnomasi rasmiylashtirilib va imzolangan kundan boshlab uch ish kuni ichida davlat xaridlarining elektron tizimiga joylashtirsin.

Tanlash natijalari bo‘yicha tuzilgan shartnoma to‘g‘risidagi axborot Tanlov komissiya kotibi tomonidan maxsus axborot portaliga u tuzilgan kundan boshlab uch ish kunidan kechiktirmay joylashtirsin.

*Asos: “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi Qonunning 62-moddasi*

3. Moliya-iqtisod bo‘limi boshlig‘i (M.To’ychibayev) tuzilgan shartnomaga muvofiq tegishli to‘lovlarni amalga oshirsin.

| | | |
|---|---|---|
| **Komissiya a’zolari:** | ____________ | X. CHINIBEKOV |
| | ____________ | SH. JURAYEV |
| | ____________ | N. ABDULLAYEV |
| | ____________ | G’. SULEYMANOV |
| | ____________ | A. ESHQUZIYEV |
| **Komissiya kotibi** | ____________ | J. TURSUNOV |

Приложение № 8 к правилам казначейского исполнения
бюджетов бюджетной системы Республики Узбекистан

**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ***
**к договору (контракту) от 08.07.2022 г. № 1**
**между "ЭЛЕКТРОМАДАД" МЧЖ и Қуйи Сирдарё ИТХБ қошидаги Сирдарё насос станциялари энергетика бошқармаси на общую сумму 161009224,67**

Глава 170
Казначейский лицевой счёт 10002186024401704240217003

(в сумах)

| Наименование месяцев 2022 г. | Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации) | | | Всего |
|---|---|---|---|---|
| | 4333900 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | 161 009 224,67 | | | 161 009 224,67 |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Всего за год** | **161 009 224,67** | | | **161 009 224,67** |

Всего 161009224,67 сум — Сто шестьдесят один миллион девять тысяч двести двадцать четыре сум 67 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 48302767,40 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _________ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;
(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;
(***) — Месячный _______% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика _______ (подпись) Абдуллаев Давронжон Вахобжон ўғли Ф.И.О.

М.П.

Главный бухгалтер заказчика _______ (подпись) Тўйчибаев Манасбой Бабаназарович Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения _______ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

Получил работник заказчика _______ (подпись)

«___» ________________ 20___г.

**1-сонли шартнома**

**Гулистон шаҳри** **2022 йил “8” 07**

"ЭЛЕКТРОМАДАД" МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи *директор З.Ботиров* бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда *Сирдарё насос станциялари ва энергетика_бошкармаси* номидан низом асосида иш юритувчи *бошлиқ Д.Абдуллаев*, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

| т/р | Махсулот (хизмат) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Бир донасининг нархи | Умумий нархи |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Мирзаобод туман худудидаги 08-06-60МҚ тик қудуқнинг ТМ 63/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 11778565,44 | 11778565,44 |
| 2. | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Мирзаобод туман худудидаги 08-06-7МҚ тик қудуқнинг ТМ 40/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 14503936,33 | 14503936,33 |
| 3 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Мирзаобод туман худудидаги 08-06-33МҚ тик қудуқнинг ТМ 40/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 14591459,08 | 14591459,08 |
| 4 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Ховос туман худудидаги 08-04-54СҚ тик қудуқнинг ТМ 63/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 15847145,46 | 15847145,46 |
| 5 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Ховос туман худудидаги 08-04-83СҚ тик қудуқнинг ТМ 40/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 14552777,90 | 14552777,90 |
| 6 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Ховос туман худудидаги 08-07-45МҚ тик қудуқнинг ТМ 100/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 15390969,39 | 15390969,39 |
| 7 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Ховос туман худудидаги 08-07-68МҚ тик қудуқнинг ТМ 40/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 14719089,40 | 14719089,40 |
| 8 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Гулистон туман худудидаги 08-04-39МҚ тик қудуқнинг ТМ 40/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 14481360,15 | 14481360,15 |
| 9 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Сирдарё туман худудидаги 08-05-53МҚ тик қудуқнинг ТМ 40/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 14658318,16 | 14658318,16 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 10 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Боёвут туман худудидаги 08-02-42МҚ тик қудуқнинг ТМ 40/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 14552777,9 | 14552777,9 |
| 11 | СНС ва ЭБ тасарруфидаги Боёвут туман худудидаги 08-02-41МҚ тик қудуқнинг ТМ 63/10 русумли трансформаторни мукаммал тамирлаш | дона | 1 | 15932825,46 | 15932825,46 |
| | **Жами** | | **11** | | **161 009 224,67** |

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг хуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб килиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб килиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини коплаш;
- баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофик кўрсатилган хизматларни кабул килиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофик кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг хукуклари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофик ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

- Бажарувчи рангли ва қора металларни Буюрмачига қайтариб беришни ўз зиммасига олади.

### III. ФОРС-МАЖОР

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг бахоси **161 009 224, 67** (Бир юз олтмиш бир миллион тўққиз минг икки юз йигирма тўрт сўм. 67 тийин) сўм, ҚҚС сиз.

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисоб рақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган кисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолanганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар буйича хисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб ракамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун хужжатлари талабларига мувофик белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. Шартнома буйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисоб варақ-фактура тузилган кун деб хисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш буйича мажбуриятларини бажарадиган кун хисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга хақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар хажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул килинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофик ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва хажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги куяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли кисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган холда ўзгартиришга хақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар бахосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида етказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вактида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли харакат (харакатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги хам кўриб чикилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига мувофик, ҳал қилинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2.Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Гулистон туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ХО ЛАТ ЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сунг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тулик ёки кисман тугри бажаришига тускинлик киладиган холатлар юзага келса ва агар бундай холатлар, яъни ёнгин, тошкин, зилзила, бошка табиий офатлар, экспорт ёки импортга тусиклар ёки эмбарголар, уруш, жанговар харакатлар, террористик харакатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташкари), пандемия, амалдаги конунчиликдаги узгаришлар, давлат органлари ва Узбекистан Республикаси Хукумати томонидан кабул килинган умумий характердаги карорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосига таъсир килса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вакти бундай холатлар бартараф этилган вактга еки

уларнинг окибатлари тугаши вактига кучирилади.

7.2. Форс-мажор холатлари юзага келган Томон, ушбу холат хакида шунингдек, холатнинг тахминий давомийлиги тугрисида бошка Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор килиши шарт. Агар юкорида курсатилган холатлар тугрисида уз вактида хабар берилмаган булса, енгиб булмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу холатларни асос килиб ололмайди.

7.3. Хабарномада курсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган хужжатлар билан тасдикланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бирок улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йуклиги, шунингдек тегишли далилларнинг йуклиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод килинишига асос сифатида юкоридаги холатларни келтириш
хукукидан махрум килади.

7.4. Фавкулодда вазиятлар юзага келган такдирда, томонлар зудлик билан узаро музокаралар олиб борадилар ва фавкулодца вазиятлар окибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш максадида
куриладиган чоралар тугрисида келишиб оладилар.

7 .5. Агар форс-мажор холатлари ёки уларнинг окибатлари томонларнинг уз мажбуриятларини бажаришига тускинлик киладиган булса, томонларнинг хар бири бошка томонга ушбу шартномани бекор килишнинг кутилаётган санасидан 10 (ун) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор килиш хукукига эга. Бундай холда томонларнинг хеч бири бошка томондан форс-мажор холатлари натижасида етказилган зарарни коплашни талаб килишга хакаи эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча туловларни Буюртмачига кайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тулик
тулайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосига ёки билвосига пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш-олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро хужжатларнинг талабларини бузадиган харакатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халкаро хужжатлар талабларини бузилиши каби харакатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай харакатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган харакатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиклиги тамойилларига зид бўлган бошқа харакатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга хақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш-бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги конунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро хужжатлар талабларини бузадиган харакатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб- таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек,

коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона харакатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб- таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-харакатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга карши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейгингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича - тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун хам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун хам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга булган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

| **«Бажарувчи »** | **« Буюртмачи»** |
|---|---|
| "ЭЛЕКТРОМАДАД" МЧЖ | Сирдарё НС ва ЭБ |
| Гулистан ш., А.Темур кўчаси 53-уй | Гулистан ш., А.Темур кўчаси 53-уй |
| х/р 2020 8000 400 220 556 001 | л/с 1000 218 602 440 170 424 021 7003 |
| АКБ Турон Гулистон ш. | МФО: 00014 |
| МФО: 00368 | ИНН: 200 969 694 |
| ИНН : 200 321 347 | ОКЭД: 22100 |
| | М.Б.Х.К.К.М. Тошкент ш. М.Б. |
| | Молия Вазирлиги Ғазначилиги |
| | х/р 23402000300100001010 |
| | ИНН: 201 122 919 |
| ______**З.Ботиров** | ______**Д.Абдуллаев** |

**"ЭЛЕКТРОМАДАД" MChJ va “Sirdaryo NS va E.Boshqarmasi” o’rtasida 8 iyul 2022 yildagi 1 sonli 161 009 224,67 so’m 00 tiyin ga tuzilgan shartnoma hujjatlari xuquqiy ekspertizadan o’tkazish to’g’risida**

**X U L O S A № 37**

*8 iyul 2022 yil* *Guliston shaxri*

Ushbu shartnoma O’zbekiston Respublikasi «Xo’jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to’g’risida»gi qabul qilingan qonun talablariga asosan tuzilgan.

Ushbu shartnoma yuqorida ko’rsatilib o’tilgan «Xo’jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi to’g’risida»gi qonunning va Nizomning talablariga mos keladi.

Shartnoma nizolarini xal qilish qonun xujjatlarida belgilangan tartibda xo’jalik sud tomonidan, yoki taraflarning kelishuviga asosan xal qilinishi belgilangan.

Yuqoridagilarni inobatga olib "ЭЛЕКТРОМАДАД" MChJ va “Sirdaryo NS va E.Boshqarmasi” o’rtasida 8 iyul 2022 yildagi 1 sonli 161 009 224,67 so’m 00 tiyin ga tuzilgan shartnoma hujjatlari qonuniy jihatdan to’g’ri tuzilgan.

**Sirdaryo NSvaEboshqarmasi**
**xuquqshunosi:** **U.Mirboboev**

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ELEKTROMADAD" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning - tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ELEKTROMADAD" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

24.02.1992 436 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 200321347

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, Amir Temur ko'chasi, 53-uy,

Guvohnoma: Sirdaryo viloyati, Guliston shahri, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI GULISTON SHAHAR «ELEKTROMADAD» MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI «ELEKTROMADAD» M.CH.J

https://bo.birdarcha.uz/brc/le_change/certificate?id=479547

Гулистон шаҳар Давлат хизматлари марказида
2022 йил «17» март даги
№479547 сон реестр рақами
билан
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
«ТАСДИҚЛАНГАН»

«ELEKTROMADAD» МЧЖНИНГ
2022 ЙИЛ «11» март ДАГИ
№02 СОНЛИ ҚАРОРИ БИЛАН
«ТАСДИҚЛАНГАН»

# ELEKTROMADAD

## МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

# УСТАВИ

(Янги таҳрирда)

Гулистон шаҳар – 2022 йил

## I-модда
## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.

1.1.Кейинги ўринларда «жамият» деб аталувчи «**ELEKTROMADAD**» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда «қонун») ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа меёрий хужжатларига асосан тузилган.

Шунингдек, «**ELEKTROMADAD**» масъулияти чекланган жамияти 1992 йил 24 февралда 436-сон реестр рақами билан давлат рўйхатидан ўтган «**QUVVAT**» унитар корхонасининг ҳуқуқий вориси хисобланади.

1.2.Жамиятнинг таъсисчиси:

**1. Сангилов Музаффар Атабаевич (паспортга оид маълумотлари: AB0415815, 09.07.2015 йил Сирдарё тумани томонидан берилган).**

Жамият устав жамғармасидаги улуши **<u>200 000,00</u>** сўм 100.00 % ташкил қилинган.

1.3.Жамият иштирокчиларининг таркиби ўзгартирилиши мумкин, шунингдек ўз хохишлари билан жамият таркибига кириш истагини билдирган, унинг уставини тан олган ва таъсис бадалини тўлаган манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар хисобига кенгайтирилиши мумкин.

1.4.Жамият тўлиқ фирмали номига эга:

- Ўзбек тилида -«**ELEKTROMADAD**» масъулияти чекланган жамияти;
- Рус тилида - Общества с ограниченной ответственностью «**ELEKTROMADAD**».

1.5.Жамият қисқа фирмали номига эга:

- Ўзбек тилида - «**ELEKTROMADAD**» МЧЖ;
- Рус тилида - ООО «**ELEKTROMADAD**».

1.6.Жамият почта манзили: ***<u>Сирдарё вилояти, Гулистон шахри, Амир Темур кўчаси, 53-уй.</u>***

1.7.Жамиятнинг фаолият муддати чекланмаган.

## II-модда
## ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ТУРЛАРИ

2.1. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари билан тақиқланмаган хар қандай фаолиятлардан фойда олиш жамият фаолиятининг мақсадидир.

2.2.Жамият ўз мақсадига мувофиқ равишда ўз фаолиятини қуйидаги йўналишлари бўйича олиб боради:

33140 - Электр ускуналарини таъмирлаш

- Иссиқхоналар қуриш
- Барча турдаги мебеллар ишлаб чиқариш
- Пишган ғишт, пенаблок, шлакблок ва газоблок ишлаб чиқариш
- Ixtisoslashmagan do'konlarda boshqa tovarlar chakana savdosi
- Нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқариш
- Қишлоқ хўжалиги махсулотлари ҳамда иссиқхона махсулотлари етиштириш ва савдоси
- Барча турдаги ишлаб чиқариш хизматлари
- Овқатланишни ташкил қилишнинг бошқа турлари;
- Қурилиш материаллари (албастер,гипс,охак,шпаклевка,хар хил турдаги бўёқлар, эмулсия,шлакаблок,ғишт,брусчатка) ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Иссиқхоналар қуриш ва иссиқхонада қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ва сотиш;
- Қишлоқ хўжалигини томчилатиб суғориш ускуналарига хизмат кўрсатиш;
- Тикувчилик ва енгил саноат махсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш;
- Бошқа тўқилган ва трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш;
- Компьютер, принтер, ксерокопия ва оргтехникалар савдоси;
- Спорт ўйинларини ташкил қилиш;
- Телефон ва уяли телефонларга хизмат кўрсатиш;
- Мехмонхоналар очиш, мехмонхона хизматларини кўрсатиш;

- Дам олиш ва кўнгил очишни ташкил этиш бўйича бошка фаолият:
- Озик ва ноозик-овкат махсулотлари савдосини кенг турда амалга ошириш хамда ташкил этиш:
- Кандолатчилик махсулотларини ишлаб чикариш ва сотиш:
- Ихтисосланган дўконларда маиший электр товарлари чакана савдоси:
- Канцелария товарлари савдоси:
- Ихтисослашмаган улгуржи савдо:
- Автомобил транспортида юк ташиш;
- Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш:
- Автотранспорт воситаларига ёкилги куйиш шахобчаларини ташкил килиш :
- Автотранспорт воситаларини газ (пропан.метан) билан таъминлаш:
- Автотранспорт воситалари билан йуловчи ва юкларни ташиш хизматларини кўрсатиш:
- Автотранспорт воситалари эхтиёт кисмлари савдоси:
- Қишлок хўжалик махсулотларини етиштириш. кайта ишлаш.саклаш ва сотиш:
- Мевали ва манзарали кўчатлар етиштириш ва сотиш:
- Полиз ва Сабзавот экинлари кўчатларини етиштириш ва сотиш:
- Кўчатхона махсулотлари ишлаб чикариш:
- Қишлок хўжалиги корхоналари.ташкилотлар ва ахолига шартнома асосида транспорт хизматини кўрсатиш:
- Қишлок хужалик махсулотларини экспорт ва импорт килиш:
- Қишлок хўжалик техникалари билан хизмат кўрсатиш:
- Қишлок хўжалик техникаларини арендага бериш ва олиш :
- Қишлок хўжалиги техникалари эхтиёт кисмлари савдоси:
- Мевалар ва сабзавотларни кайта ишлаш ва консервалашнинг бошка турлари:
- Чорвачилик махсулотлари (гўшт. сут. ёг ва х.к.) кайта ишлаш. етиштириш ва сотиш:
- Чорва моллари етиштириш. ва сотиш:
- Чорва молларига ветеринария даволаш-профилактик хизмат кўрсатиш:
- Баликчиликни ривожлантириш ва сотиш:
- Паррандачиликни ривожлантириш ва сотиш:
- Ем ва ем махсулотлари савдоси:
- Пахта толаларини тайёрлаш ва йигириш:
- Қурилиш максадларига мўлжалланган гипс буюмлари ишлаб чикариш:
- Қурилиш материаллари мих.шруп ва бошка метал буюмлар ишлаб чикариш:
- Томорка хизматларини кўрсатиш:
- Бошка турдаги техникаларга техник хизмат кўрсатиш:
- Автосалонлар очиш ва кенг сохада хизмат кўрсатиш:
- Туман ахолисига ва чет эл фукароларига сайёхлик(туризм) хизмати кўрсатиш:
- Хар хил турдаги курилиш мантаж ишларини бажариш:
- Турар жой биноларини куриш;
- Мебеллар ишлаб чикариш ва сотиш:
- Пластик профил.альюмен профил.ёгочдан ва бошка буюмлардан эшик ва ромлар ишлаб чикариш ва сотиш:
- Асаларичиликни ривожлантириш ва махсулотларини сотиш:
- Конунда белгиланган тартибда **улгуржи** ва **чакана савдо** билан шугилланиш:
- Банкдан кредит олиш ва ўз мол-мулкини гаровга куйиш.

## III-модда
## ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚЛАРИ.

3.1.Жамият иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас.

3.2.Жамият мулкий хукукларини сотиб олиш. судда.хужалик ва хакамлар судида даъвогар ва жавобгар булиши мумкин.

3.3.Куйилган вазифаларни амалга ошириш учун жамият куйидаги хукукларга эга:

-шартномалар тузиш хамда битимлар ва бошка хукукий харакатларни амалга ошириш;

-Узбекистон Республикаси ва ундан ташкари бинолар,иншоатлар,корхоналарни, транспорт воситаларини хамда бошка кучар ва кучмас мулкни ижарага олиш ва бериш:

-ишлаб чикарилган махсулотга,нига курсатиладиган хизматга бозордаги узгаришларни хисобга олиб мустакил равишда нарх белгилаш:

-амалдаги конун хужжатлари хукукий шахсларга берадиган бошка хукуклардан фойдаланиш.

Жамиятнинг хукуклари таъсис шартномаси шартларига катъиян мувофик тарзда амалга оширилади.

## IV-модда.
## УСТАВ ФОНДИ

4.1.Жамиятнинг Низом фонди **200 000.00** сўмдан иборат бўлиб, у жамият карорига асосан таъсисчининг товар-моддий бойликлари улушлардан шакллантирилган.

4.2. Иштирокчилар йигилиши карорига биноан устав фонди микдори ўзгартирилиши мумкин.

4.3.Устав фонди иштирокчиларининг кўшимча кўйилмалари хисобига кўпайтирилиши мумкин.

4.4. Устав фондига кушимча куйилмалар масаласини жамият иштирокчилари йигилиши хал килади.

4.5. Жамиятнинг устав фонди унинг иштирокчилари улушларининг номинал кийматларидан таркиб топади.

## V-модда.
## ЖАМИЯТНИНГ БОШКА ФОНДЛАРИ

5.1. Жамиятнинг конун хужжатларида таъсис шартномаси ва ушбу уставда белгиланган тартибда уз фаолияти учун зарур фондларни ташкил этади.

## VI-модда
## ЖАМИЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ.

6.1.Жамият иштирокчилари куйидагиларга хаклидир:

-амалдаги конунчиликда ва жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг ишларини бошкаришда иштирок этиш:

-амалдаги коунчиликда ва жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг келгуси фаолияти тўгрисида ахборот олиш хамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошка хужжатлар билан танишиш:

-фойдани таксимлашда иштирок этиш ва ундан тегишли кисмини олиш:

-жамиятнинг устав фондидаги ўз улушини ёхуд унинг бир кисмини амалдаги конунчилик ва жамият таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибда мазкур жамиятнинг бир ёки бир нечта иштирокчисига сотиш ёки ўзга тарзда уларнинг фойдасига воз кечиш:

-жамият бошқа иштирокчиларнинг розигилидан қатъий назар амалдаги қонунчилик ва жамиятнинг таъсис хужжатларида белгиланган тартибда исталган вактда жамиятдан чикиш:

-жамият тугатилган тақдирда кредиторлар билан хисоб-китоб килингандан кейин қолган мол-мулкнинг бир кисмини ёки унинг кийматини олиш:

-жами улушлари жамият устав фондини камида 10 % ташкил этадиган жамият иштирокчилари ўз мажбуриятларини кўпол бузаётган ёхуд ўз харакатлари билан жамиятнинг фаолият кўрсатишига имкон бермаётган ёки унинг жиддий тарзда кийинлаштираётган иштирокчини суд тартибида чикарилишини талаб килиш:

-жамият иштирокчилари амалдаги конун хужжатларида ва жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган бошка хукукларга хам эга бўлишлари мумкин.

6.2.Жамият иштирокчилари куйидаги мажбуриятларни оладилар:

-жамият таъсис хужжатлари коидаларига риоя этиш:

-амалдаги қонунчиликка ва жамиятнинг таъсис хужжатларида назарда тутилган тартибда, микдорда, усулларда ва муддатларда хисса кўшишлари:

-жамият фаолияти тўгрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор килмасликлари шарт. Ошкор этилмайдиган ахборотларнинг хажмига барча тижорат шартномалари техник ва

бошка жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотлар киради. Жамиятнинг хар бир иштирокчиси ва ходими расмий равишда ва бехос олинган жамиятнинг фаолиятига тааллукли ахборотларни конфиденциаллигини таъминлашга мажбур ва шу ахборотларни таркатилишини олдини олувчи барча имкон бўлган чораларни кўриши лозим;

-Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида ва жамият таъсис хужжатларида кўзда тутилган бошка мажбуриятларни бажариши шарт.

VII-модда

## БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИ.

7.1.Жамият иштирокчиларининг умумий йигилиши жамият бошкарувининг олий органи хисобланади.

7.2.Иштирокчилари йиғилиши жамиятни бошкариш олий органидир. Овозлар иштирокчиларининг устав фондидаги улушларига мутонасиб равишда таксимланади.

Жамиятнинг ишлаб чикариш - хужалик фаолиятини оператив бошкаруви унинг ижроя органи иштирокчилар йиғилиши сайланган директор бошчилигидаги дирекция томонидан амалга оширилади.

7.3.Куйидагилар батамом жамият иштирокчилари йигилиши ихтиёридадир:

-жамиятнинг фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш ,унинг режаларини ва режаларининг бажарилиши хакидаги хисоботларни тасдиклаш;

-жамиятнинг, шу жумладан филиаллари фаолиятининг йиллик натижалари шунингдек тафтиш комиссияси хисоботлари ва хулосаларини, даромадини (фойдани), дивидентни таксимлаш хамда зарарни коплаш тартибини тасдиклаш;

- филиаллар ва ваколатханаларни ташкил этиш ва кайта ташкил эти шва тугатиш , улар хакидаги низомларни тасдиклаш;

- жамият ижрои органи мансабдор шахсларни мулкий жавобгарликка тортиш тугрисидаги карорлар кабул килиш;

- жамиятнинг ички хужжатларини тасдиклаш, жамиятнинг ташкилий тузилишини белгилаш;

- устав фонди микдорини узгартириш;

- жамият ижрои органи, унинг филиаллари хамда ваколатхоналарининг мансабдор шахслари мехнатига хак тулаш шартларини белгилаш;

-жамият фаолиятини тугатиш хусусида карор кабул килиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, тугатиш балансини тасдиклаш;

-иштирокчилар томонидан туланадиган кушимча баъдал микдори, шакли ва тартибини белгилаш;

- жамият томонидан иштирокчи улушини сотиб олиш масаласини хал этиш;

- иштирокчиларни жамиятдан чикариш.

7.4. Жамият фаолиятининг асосий йуналишларини белгилаш унинг режа ва хисоботларини тасдиклаш, жамият уставини узгартириш, устав сармоясини узгартириш масалаларига доир карорлар жамият иштирокчиларининг туртдан уч кисмидан иборат купчилик овози билан, бошка масалаларга доир карорлар эса оддий купчилик овози Билан кабул килинади.

7.5. Иштирокчини жамиятдан чикариш масаласини куриляётган мазкур иштирокчи ёки унинг вакили овоз беришда катнашмайди.

7.6. Жамиятнинг хар кандай аъзоси таъсисчилар йигилишида масалани мухокама килишни талаб килишга хаклидир. Бунинг учун масала йигилиш бошланишидан камида йигирма беш кун олдин куйилиши шарт.

7.7. Таъсисчилар йигилиши йилига камида икки марта чакирилади.

Жамиятнинг биргаликда йигирма фоиздан купрок овозга эга булган иштирокчилари навбатдан ташкари йигилишни исталган вактда хамда исталган масала буйича чикаришни талаб килишга хаклидир. Мободо жамият директори курсатилган талабни йигирма кун ичда бажармаса, улар иштирокчилар йигилишини узлари чикаришга хаклидирлар.

Агар умумий йигилишда, уставига мувофик камида олтмиш фоизга тенг овозга эга аъзолар катнашса у конуний деб хисобланади.

VIII-модда

## ДИРЕКТОРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

8.1.Директор мазкур уставнинг 7.2. бандига мувофик тайинланади.Куйидаги масалаларини хал этиш вазифалари жумласига киради:

-жамият ишларига оператив рахбарлик килиш;

-жамият уз зиммасига олган мажбуриятлар бажарилишини ташкил этиш,ишончномалар бериш, банкларда хисоб варакалари очиш, жамият номидан битимларни амалга ошириш;

- жамият ходимларини ишга олиш ва ишдан бушатиш.

8.2.Директор жамият иштирокчилари йигилишига хисоб беради ва зиммасига юкланган топширик ва вазифалар бажарилиши учун улар олдида жавобгардир.

8.3.Директорни навбатдаги муддатга бир неча бор тайинлашга йул куйилади.

## IX-модда
## ХИСОБ ОЛИБ БОРИШ.

9.1.Жамият конун хужжатларида белгилаб куйилган тартибда бухгалтерик статистик хисоб ва хисобот олиб боради.

## X-модда
## МОЛИЯ ХУЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ КИЛИШ.

10.1.Жамиятнинг молия хужалик фаолиятини жамият иштирокчилари йигилиши уз орасидан 3 кишидан иборат килиб тузадиган тафтиш комиссияси амалга оширади.Жамият директори тафтиш комиссиясига аъзо булиши мумкин эмас.

10.2.Тафтиш комиссияси жамиятнинг мансабдор шахсларидан барча зарур материалларни, бухгалтерик хужжатлари ва бошка хужжатлари ва шахсий тушинтиришномалар беришни талаб килишга хаклидир.

10.3.Тафтиш комиссияси утказилган текширув натижаларини жамият иштирокчилари йигилишига йуллайди.Йиллик хисоботлар якунлари буйича тафтиш комиссия хулоса тузади.бундай хулоса булмаса иштирокчилар йигилиш жамиятнинг балансини тасдиклайди.

10.4.Жамият манфаатларига хавф тугилганда ёки жамиятнинг мансабдор шахслари йул куйган суистеъмол килиш фактлари аникланганида тафтиш комиссияси иштирокчиларининг навбатдан ташкари йигилиши чакирилишини талаб килишга мажбурдир.

## XI-модда
## ИШТИРОКЧИНИНГ ЖАМИЯТДАН ЧИКИШИ.

11.1Жамият иштирокчиси жамият устав фондидаги улушини (улуши бир кисмининг) жамиятнинг бошка иштирокчисига сотишга ёки ўзга тарзда улар фойдасига воз кечишга хаклидир. Бундай битимни тузиш учун жамиятнинг ёки жамият бошка иштирокчиларининг розилиги талаб қилинмайди.

Жамият иштирокчиси ўз улушини (улушнинг бир кисмини) учинчи шахсларга сотиши ёки бошқача тарзда уларнинг фойдасига воз кечиши мумкин.

Жамият иштирокчисининг улуши тўлик тўлангунга кадар бўлган даврда у факат тўланган кисми бўйича бошка шахсга ўтказилиши мумкин.

Жамият иштирокчилари жамият иштирокчисининг улушини учинчи шахсга таклиф қилинадиган бахо бўйича ўз улушлари миқдорларига мутаносиб равишда сотиб олишда имтиёзли хукукдан фойдаланадилар. Агар жамиятнинг бошка иштирокчилари улушни (улушнинг бир кисмини)сотиб олишда ўзларининг имтиёзли хукукларидан фойдаланмаган бўлсалар,жамият ўзининг иштирокчиси томонидан сотилаётган улушни (улушнинг бир кисмини) сотиб олишда имтиёзли хукукка эга бўлади.

Ўз улушини (улушнинг бир кисмини) учинчи шахсга сотиш ниятида бўлган иштирокчи улуши сотиладиган бахони ва бошка шартларни кўрсатган холда бу хакда жамиятнинг колган иштирокчиларини ва жамиятнинг ўзини ёзма равишда хабардор килиш шарт. Хабарнома жамият иштирокчилари ва ёки жамият сотиш учун таклиф килинаётган бутун улушни (улушнинг бутун кисмини) сотиб олишда имтиёзли хукукдан,шундай хабар берилган кундан эътиборан бир ойи ичида фойдаланмаган тақдирда, улуш (улушнинг бир кисми) жамиятга ва унинг иштирокчиларига хабар килинган бахоларда ва шартларда учинчи шахсга сотилиши мумкин.

11.2.Жамият иштирокчиси вафот этган тақдирда унинг улуши , амалдаги конунларга мувофик жамиятнинг розилиги билан мархумнинг меросхурларига ўтади.

11.3.Хукукий ворис (меросхур) жамиятга киришни рад этганида ёки жамият уни кабул килишни рад этганида мерос берувчининг мулкдаги тегишли улуши (пул ёки натура шаклида) вафот этган кундан киймат билан белгиланиб меросхураларга берилади.

Бу холда устав фонди микдорини камайтириш лозим булади.

## XII-модда
## ЖАМИЯТНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ КИЛИШ.

12.1.Жамият фаолияти кайта ташкил килиш ва тугатиш шаклида тухтатилади. Жамият кайта ташкил этилганида унинг хукук ва бурчлари хукукий ворисларига утади.

12.2.Жамиятнинг фаолиятининг тугатилиши амалдаги конун хужжатларида кузда тутилган холларда, шунингдек иштирокчилари йигилиши карори билан ёки суд карорларига асосан амалга оширилади.

12.3. Башарти катнашчи бартараф этиб булмай куч уз зиммасига олаётганлиги хакида бошка катнашчини хабардор килмаган булса, у холда мазкур катнашчига курган зарарни урнини коплаб бориши шарт. Бартараф этиб булмас куч таъсири тухтаганиии тугрисида умуман ёки вактинча хабар бермаган такдирда хам катнашчи бошкалар Билан тенг жавобгар булади.

12.4. Бартараф этиб булмас куч таъсиридаги холат юзага келган такдирда Ушбу шартномага кура мажбуриятлар бажарилиши лозим булган муддат мазкур холат амал килиб курган вактда тенг микдорда кейинрокка сурилади.

12.5. Башарти бартараф этиб булмас куч таъсиридаги холат 6(олти) ойдан ортик амал килса, ёки бундай холат содир булганда бу холатлар ва уларнинг окибатлари анна шу муддатда хам купрокка чузилиши лозим булса, катнашчилар Ушбу шартномани бажариш ва тегишли келишувга эришишнинг мукобил усулларини топиш учун имкон борича киска муддат ичида музокоралар юритиш мумкин.

12.6. Қатнашчилар ўртасида ушбу шартномадан келиб чикадиган ёки у билан боглик барча низо а келишмовчиликларни тинч йули билан музокарал йули билан хал этиш.

12.7. Низо ва келишмовчиликларни тинч йул билан хал этишнинг иложи булса, Узбекистон Республикаси амалдаги конун хужжатларида катий белгилаб куйилган конун хужжатларида катий белгига куйилган коидага биноан бу низо ва келишмовчиликлар Узбекистон Республикасининг судлов органларида хал этилади. Хужалик суди ва ёки бошка суднинг хал килув карори узил кесил ва хар томон учун мажбурий хисобланади.

## XIII-модда
## МАХФИЙЛИК.

13.1. Жамият катнашчилари Ушбу шартномага мувофик бошка катнашчилардан олган техниканинг, тижорат, молиявий ва бошка хил ахборотларини катий махфийлигини таъминлашлари хамда олинган ахборот ошкор булиб кетишини олидини олиш юзасидан барча зарур чораларни кўришлари шарт.

13.2 Махфий ахборотларни учинчи шахсларга бериш, эълон килиш ёки бошка йусинда имкор этишга бош директорнинг розилиги Билан ёул куйилади. Катнашчилар учинчи шахсларга махфий ахборотларни улар (3 шахслар) бундай ахборотни билиш талаб этиладиган фаолиятга жалб килинганидан хам жамият максад вазифаларини амалга ошириш учун керак буладиган хажмдагина ошкор этишга хаклидир.

13.3Ахборотларни ошкор этишни чеклаб купчиликка маълум булган ахборотларга ёки катнашчиларнинг айби Билан эмас, балки бошка катнашчи уни олгунга кадар ёки уни улгандан сунг узга манбалардан катнашчига маълум булиб келган ахборотларга таълукли эмас. Махфийлик тугрисидаги коида бузилганлигини ошкор этиш мажбурияти, шундан сунг коида бузарлик содир этилганлигини арз килган катнашчи зиммасига юкланади.

## XIV. модда
## КАТНАШЧИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

14.1 Жамият уз катнашчиларнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Жамият катнашчилари, жамият мажбуриятлари юзасидан устав жамгармасидаги уз улушлари кушган маблаглари дорасида жавобгар буладилар. уз улишларини тулаш

муддатини утказиб юборган катнашчилар эса улнш тулашмаган и кисми киймати доирасида хам жавобгар буладилар.

14.2 Ушбу шартнома шартларини умуман ёки лозим даражада бажаришган катнашчилардан бири бошка катнашчига ана шу умуман ёки лозим даражада бажаргаплик окибатида етказилган зарарнинг урнини коплаб бериши шарт.

## XV. модда

15.1 Ушбу шартномага киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар башорти улар ёзма тарзда лозим булган даражада ифодаланган хамда катнашчилар томонидан имзоланган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтсагина хакикий хисобланади.

15.2 Башорати Ушбу шартноманинг коидаларидан бирoнтаси хакикий бўлмай колса. бу бошка коидаларнинг амал килиши дахл этмайди. Бундай вактда катнашчилар гап матни хукукий муносабатлар хусусида бўлгани учун хам. хаки кий бўлмай колган коидани ўхшаш иктисодий натижа олиш имконини берадиган коида билан алмаштириш тўгрисида ўзаро келишиб кўя коладилар.

## XVI. модда
## ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ ТУГАТИШ.

16.1 Жамият фаолиятини тугатиш катнашчилари умумий йигилишининг карорига кўра уни кайта ташкил этиш ёки тугатиш йули билан ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларида назарда тутилган холларда ва шартларда кайта ташкил этилади ёки тугатилади.

## XVII. модда
## ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ.

17.1 Ушбу шартнома катнашчиларнинг барчаси имзоланган кундан этиборан кучга киради ва илгари имзо кўйган хужжатларни ёки катнашчилар ўртасида огзаки келишувларини бекор килади.

**ТАЪСИСЧИЛАР:**

**Сангилов Музаффар Атабаевич**